



IRRIGATOR

№ 13 (55)
ЯНВАРЬ — ФЕВРАЛЬ — 2013 ЙИЛ

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Тошкент ирригация ва мелиорация институти

ЯНГИЛИК ВА ХАБАРЛАР

18 январь куни институтда Европа Иттифоқининг ТЕМПУС дастури бўйича «Геоинформатика: Ўзбекистонда барқарор ривожланишга эришишни таъминлаш» GE-UZ лойиҳасининг Бош ассамблея йиғилиши ўтказилди.

Ушбу Халқаро анжуманга Миллий Темпус офиси вакиллари, Европа Иттифоқи Делегацияси, халқаро институтлар ва лойиҳа ташкилотлари, Европа Иттифоқи ва Ўрта Осиё университетларидан олимлар ва етук мутахассислар таклиф қилинди.

22 январь куни Ўзбекистон Қозоқ Миллий маркази томонидан туркий халқларнинг «Тўққизқумалоқ» номли ўйин мусобақасини институтда ўтказиш мақсадида марказ раиси М.Укубаев, марказ масъул ходими Қ. Пискентбоевлар ташриф буюришди.

Бу ўйин ва ўйин давомидеги давра суҳбати қизиқарли ташкил этилди.

25 январь куни СХБИ факультети «Камолот» ЁИХ етакчиси ташаббуси билан ташкилотнинг Тошкент шаҳар Кенгаши вакили Ш. Холматов иштирокида «Биз ОИВ ва ОИТСга қаршимиз» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Давра суҳбатида факультетнинг «Камолот» ЁИХ гуруҳ етакчилари ва фаоллари қатнашди. Бунда ОИВ ва ОИТСнинг салбий оқибатлари, келиб чиқиш сабаблари ва бу иллатнинг ёшлар ўртасида тарқалишининг олдини олиш бўйича баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

25 январь куни «Келажак овози» ЕТМ билан ҳамкорликда «Диллема нима?» мавзусида барча факультетларнинг фаол талабалари иштирокида семинар тренинг ташкил этилди. Семинар тренингда баҳс-мунозара олиб боришнинг қонун-қоидалари, шартлари ва қутилидан натижалар тўғрисида атрофлича маълумот берилди. Институт фаола талабалари иштирокида «Диллема клуби»ни ташкил этиш таклиф этилди.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, экологик маданиятни шакллантириш, ёшларни оммавий тарзда ободонлаштириш ишларига жалб этиш мақсадида «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан «Катта Дўмбиробод» маҳалла ҳудудидаги «Ёшлар боғида» «Обод турмуш йили» муносабати билан жорий йилнинг 27 январь куни ёшлар ҳаётида институтдан «Камолот» ЁИХ БТ етакчиси У.Алимов бошчилигида 40 нафар «Камолот» ЁИХ фаола талабалари қатнашди.

14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ БАЙРАМИ

16 декабрь куни институт Маданият саройида Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар М.Улуғбек туман Кенгаши билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ташкил топганлиги 21 йил тўлиши муносабати билан Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган «Ватанпарвар ёшлар – Ўзбекистоннинг асл ҳимоячилари» мавзусида сиёсий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тадбирни институт ректори У. Умурақов очиб берди ва ташриф буюрган меҳмонлар билан барчани таништирдилар. Сўнгра Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон «Адолат» СДП сиёсий Кенгаши раиси И.Саифназаров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Мудофаа ва хавфсизлик қўмитаси» раиси Қ. Жўраев, институтнинг Ҳарбий кафедраси бошлиғи, подполковник Л. Давировлар тадбир иштирокчиларини табриклаш учун сўзга чиқишди.



маҳаллалардан нурунийлар ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ветеранлари таклиф этилди.

Тадбир институт Ҳарбий кафедра курсантларининг қўл жанги санъати намойиши, Ўзбекистон Қуролли Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамблининг байрам дастурлари билан давом этди.

Б. ХАЙДАРОВ,
«Ҳарбий кафедра»
катта ўқитувчиси,
подполковник.



Шунингдек, ушбу тадбирга институт атрофида жойлашган Оққўрғон, Дархон, Амир Темур каби

ЯНГИ ЙИЛДА ЯНГИ ОРЗУ... ЯНГИ РЕЖАЛАР...

28 декабрь куни институтнинг Талабалар ошхонасида янги йил байрами муносабати билан катта тантана ташкил этилди. Байрамона дастурхон безатилиб, шу байрам дастурхони атрофида институтнинг барча профессор-ўқитувчи ва ходимлари йиғилишди. Барчани кириб келаётган янги йил билан табриклаш учун институт ректори У. Умурақов сўзга чиқиб, шу бир йил ичида институт доирасида барча соҳаларда амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқ ва муваффақиятлар, шунингдек, янги режа ва дастурлар ҳақида тўхталиб ўтдилар. Тадбирда ўз табрик сўзлари билан академик О. Салимов ҳам сўзга чиқдилар. Тадбир кўтаринки руҳ ва аъло кайфият билан давом этди ва дилларни хушнуд қилиш учун эл суйган эстрада хонандалари Абдували Ражабов, Наргиза Азимова, «VIA-Шарқ» гуруҳи ўзининг шўх-шодон куй ва қўшиқлари билан ҳамда қизиқчи ва актёр Валижон Шамсиев қизиқарли ҳангомалари билан барчанинг кайфиятини кўтардилар. Байрам тадбири давомида қизиқарли ўйинлар ташкил этилиб, бу ўйин шартларида қатнашиб ғолибликни қўлга киритган ўқитувчи ва ходимлар янги йил совғаси билан тақдирландилар.



Н. АЛЛАМУРАТОВА,
«Маънавият ва маърифат» бўлими услубчиси.

**Ушбу
сонимизда**



3,14 **ТЕМУР
ТИНЧИ
БУЗИЛГАНДА**

5 **ГИЁҲВАНДИК
- АСР ВАБОСИ**

**ҚОРА
ДОҒ**

8 **МУНАЖЖИМЛАР
БАШОРАТИ**

